

## КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИКДА “ҚИЁС” КОНЦЕПТИНИНГ ЛИНГВОКОГНИТИВ ТАДҚИҚИ ВА МАҚОМИ МАСАЛАЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7820038>

Ашупров М.У

АДЧТИ эркин тадқиқотчиси

### Аннотация.

Уибү мақолада “қиёс” концептини ва уни воқеълантирувчи вербал воситаталарнинг лингвокогнитив мақоми ҳусусида сўз борган. Бунга кўра унинг лингвистик ҳолатидан келиб чиқиб универсал табиати, кўп қиррали ва мунозарали масала эканлиги, синтактик категория сифатида анъанавий таърифига эга эканлиги, назмий ва насрий асарларда тутгандарни, бадиий асарлардаги аҳамияти ҳақида фикрлар юритилган бўлиб, икки тилда мисоллар орқали ифодаланган. Бундан ташқари мақолада “қиёс” концепти маркибига кирувчи ўхшатишларнинг икки турлари аниқлаштирилган.

### Калит сўз ва иборалар.

Концепт, вербализатор, лингвокогнитив мақом, синтактик категория, семантика, образ, универсал табиат, лингвомаданият, типологик ҳусусият, аналогия.

### Annotation.

*This article deals with the concept of "comparison" and the linguistic-cognitive status of the verbal means that realize it. According to this, based on its linguistic status, its universal nature, its multifaceted and controversial issue, its traditional definition as a syntactic category, its place in poetic and prose works, and its importance in literary works were discussed and expressed through examples in two languages. In addition, the article identifies two types of similes included in the concept of "comparison".*

### Key words and phrases.

*Concept, verbalizer, linguocognitive status, syntactic category, semantics, image, universal nature, linguistic culture, typological feature, analogy.*

### Аннотация.

В данной статье рассматривается понятие «сравнение» и языково-когнитивный статус реализующих его словесных средств. В соответствии с этим, исходя из его языкового статуса, его универсального характера, его многогранного и противоречивого вопроса, его традиционного определения как синтаксической категории, его места в поэтических и прозаических произведениях, а также его

значения в литературных произведениях, обсуждались и выражались на примерах в двух языках. Кроме того, в статье выделяются два вида сравнений, входящих в понятие «сравнение».

### Ключевые слова и фразы.

Концепт, вербализатор, лингвокогнитивный статус, синтаксическая категория, семантика, образ, универсальность, языковая культура, типологический признак, аналогия.

“Қиёс” концептининг лингвокогнитив мақоми ҳусусида сўз борар экан, авваломбор уни универсал табиатга эка эканидан келиб чиқкан ҳолда, барча тилларда ва барча тил услубларида салмоқли ўрин тутишини таъкидлашимиз жоиз. Ушбу концепт барча турдаги матнни аниқлаштиради, ёрқинлаштиради, семантик жиҳатдан бойитади ва матндаги ахборот у орқали чуқурроқ тушунилади. Тилшунос олимлардан Низомиддин Махмудов, ва Дурдона Худойбергановалар ўзининг “Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли лугати” китобида “қиёс” концептининг аҳамияти ва ўрни ҳакида шундай фикрлар айтган: “Таъкидлаш лозимки, ўхшатишлар ўзига хос образли тафаккур тарзининг махсуси сифатида юзага келади. Шунинг учун хам улар нутқда хамиша бадиий-эстетик кимматга молик бўлади, нутқнинг эмоционал-экспрессивлиги, ифодалилиги, таъсиричанлигини таъминлашга хизмат қиласди. Ўхшатишларининг икки тури, яъни: 1) индивидуал-муаллиф ўхшатишлари ёки эркин ўхшатишлар ва 2) умумхалқ ёки турғун (доимий)

ўхшатишлар фарқланади”.<sup>137</sup>

Тилшунос олим М.Мукаррамовнинг қуидаги фикрлари орқали “Қиёс” концептининг лингвокогнитив мақоми ҳусусида шундай хулосага келинган: “Бирорта бадиий асар йўқки, унда ўхшатиш бўлмаган. Умуман, бадиий асарнинг бадиийлик белгиси ўхшатиш, сифатлаш, метафора, жонлантириш каби тасвирий воситалар орқали ифодаланади”.<sup>138</sup> “Қиёслаш” концептини лингвокогнитив жиҳатдан лисоний тадқиқ этишга бўлган эътибор ва қизиқиши рус тилшунослигида ҳам энг кўп мурожаат этилган мавзулардан бири бўлиб келган. Шунга кўра “қиёс” концептини тил категорияси сифатида тушунишга энг муҳим хисса қўшган олим сифатида В.М.Оғолщевни

<sup>137</sup> Махмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли лугати.

<sup>138</sup> Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Тошкент:“Фан” нашриёти, 1976.

1976 йилдаги нашр этилган илмий тадқиқотлари орқали кўришимиз мумкин<sup>139</sup>.

“Киёс” концептининг лингвистик ҳолати кўп қиррали ва мунозарали масала ҳисобланган. Унинг аввалги синтактик категория сифатида анъанавий таърифига кўра, у “хар бири маълум бир синтактик шаклга мос келадиган

синтактик қийматларнинг тартибланган тўплами” сифатида қаралган. Бу назарий қарашлар “киёс” концепти мавзусига эътибор қилган замонавий тадқиқотчиларни тўлик қониқтирмайди, балки аксарият тилшунослар қиёслашнинг лисоний мақоми ва анъанавий таърифи уни амалга оширишнинг бошқа даражаларини - биринчи навбатда лексик ва сўз шаклланишини ҳам эътиборга олиш керак” деб ҳисоблашади<sup>140</sup>. И.Левитнинг фикрига кўра “Сўнгти ўн йилликдаги тадқиқотларда аниқланган қиёслаш тоифасини ўрганишнинг бошқа муаммоли масалалари қандайdir тарзда таққослаш тоифасининг лингвистик ҳолати ҳақидаги юкорида айтиб ўтилган саволни ҳал қилиш билан боғлиқ. Таққослаш ёки қиёслаш категорияси замонавий тилшуносликда уч жиҳатдан кўриб чиқилади: эпистемологик, концептуал (мантикий) ва лингвистик. Ушбу жиҳатларни кўриб чиқиш даражасига қараб, ушбу тоифани ўрганишда учта йўналиш мавжуд бўлиб, бу унинг лингвистик ҳолатини аниқлашга таъсир қилади”<sup>141</sup>.

Дунёнинг маълум бир лингвистик расмининг универсаллиги ва ўзига хослигини аниқлашда таққослашнинг роли жуда салмоқли саналади. “Киёс” концепти орқали қабул қилинадиган воқеълик ва бошқаларни баҳолаш механизми, ҳам универсал, ҳам миллий ўзига хос инсон фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у типологик ва индивидуал хусусиятларга эга бўлган дунёнинг лингвистик расмини яратишга олиб келади. “Киёс” концептининг лисоний таҳлил қилиш мисолида замонавий лингвистик фикрнинг ҳолати таққослаш тоифасини ўрганишда белгиланган

<sup>139</sup> Огольцев В.М. Устойчивые сравнения в системе русской фразеологии. Изд. 2-е, испр. и доп. - М.: ЦЯ88: Либроком, 2009.

<sup>140</sup> Ивашова М.С. Структурно-семантические особенности сравнительных конструкций во французском и русском языках в их сопоставлении (на материале художественных переводов): автореф. дис. . канд. филол. наук. - М., 2009. 26 с.

<sup>141</sup> Левит И.В. Сложные сравнительные синтаксические конструкции как элемент функционально-семантического поля сравнения: дис. ... канд. филол. наук. СПб., 2005. 166 с.

йұналишлар үхшашликтарни (тиллар ва маданиятларда universal) ёки фарқларни (миллий-ұзига хос) үрганишга асос бўлади<sup>142</sup>.

Яна бир рус олим Г.Денисова қиёсий бирликларнинг лингкогнитив тавсифи ва үрни хақида шундай фикрлар айтган эди: "Қиёслашнинг когнитив роли, қиёсий бирликларнинг барча тил қуи тизимларига кириб бориши, шунингдек уларнинг мураккаб ички ташкил этилиши турли тиллар материаллари бўйича таққослашни үрганишга тинимсиз қизиқишни тушунтиради"<sup>143</sup>.

Баъзи мутахассислар хакли равишда таъкидлаганидек, «халкнинг маданияти ва менталитет хакидаги маълумотларнинг энг кимматли манбаси фразеологизмлар, метафоралар, рамзлар ва ш.к.лардир, уларда асотирлар, афсоналар, урф-одатлар гуёки консервацияланган ҳолатда сакланган бўлади»<sup>144</sup>. Тилшуносликнинг мантиқ илми соҳасида хулоса чиқаришнинг турли орасида маҳсус шакли сифатида - "аналогия" деган тушунчага хам алоҳида эътибор қаратилади. Бу фан мутахассисларининг таъкидлашича, «аналогия деб үхшатиш орқали бир белгининг икки буюмда борлигини аниқлаб, бу буюмларнинг бошқа үхшаш белгиларга эга эканини кўрсатишга айтилади. Биринчи нарса ёки ходисанинг хамма белгилари биз учун таниш. Иккинчи нарса ёки ходисанинг факат баъзи бир белгиларинигина биламиз. Биз бундай вактда бу икки нарса ёки ходисани бир-бирига үхшатамиз»<sup>145</sup>. Худди шу нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлсак "қиёс" концепти ёхуд қиёслаш инсоннинг оламни идрок этиши ва билишида салмоқли вазифаси ва үрнига эканини тушунишимиз мумкин. Тилшунос олим Н.Махмудовнинг фикрига кўра "икки ёки ундан ортик предмет ёки тушунчани үхшаш ёки фарқли жиҳатларини аниқлаш мақсадида қиёслаш, таққослаш ташки дунёни билишнинг энг кенг тарқалган мантиқий усулларидан бири сифатида инсон фаолиятининг деярли барча соҳаларида кузатилади. Бу беҳад муҳим мантиқий категория, табиийки, тилда ҳам ўз аксини топади"<sup>146</sup>.

<sup>142</sup> Румянцева М.В. Типологические особенности компаративных конструкций (на материале русского и немецкого языков): автореф. дис. . канд. филол. наук. - Челябинск, 2007. - 22 с.

<sup>143</sup> Денисова Г.Л. Когнитивный механизм сравнения в немецком языке. Автореф. диссертации на соискание учёной степени доктора филологических наук. – Тольятти, 2013.

<sup>144</sup> Маслова В..Лингвокультурология. - М., «Academia», 2001, 3-б.

<sup>145</sup> Хайруллаев М., Хафердьев М. Логика. предмети ва киска тарихи. - Тошкент, «Укитувчи», 1984. - 247-6.

<sup>146</sup> Махмудов Н. Семантико-синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка: Дис.... док-ра филол. наук. - Тошкент, 1984, 259-6.

Тилнинг тизимини ёки тузилишини ўрганиш талаби ўрнига тилни маълумотни кодлаш ва ўзгартиришнинг когнитив механизми сифатида ўрганиш талаби қўйилади<sup>147</sup>, когнитив билиш "лингвистик акс эттиришда"<sup>148</sup> когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан таққослаш назариясини ишлаб чиқиш зарурати, таққослашни ақлий ҳаракат сифатида таҳлил қилиш, билиш тажрибасини қайта ишлаш, ахборотни кодлаш ва ўзгартириш билан боғлиқ когнитив механизм сифатида "қиёс" концепти масаласига оид масалаларнинг унинг лингвокогнитив мақомини белгилайди.

"Қиёс" концепти ёки қиёслаш англанган ёки инсоннинг тушунчалар йиғиндиси бўлган концептосферасидаги бирор предмет ёки воқелик хусусияти ёки кўриниши, ҳажми, функцияси воситасида билинмаган нарса-хусусиятни осонлик билан билиш имкониятини беради. Мисол учун тоғнинг улканлиги бу таниш ва англанадиган тушунча бўлса, ва энди у иккинчи бир воқеъликнинг ҳажми ёки миқдори қай ҳолатда ва қай кўринишда эканлигини тоқقا қиёсан (тоғдек улкан ёки улуғ) ёки тоқقا ўхшатиш орқали (тоғлардек вазмин) осонлик билан идрок қилиниши мумкин.

Когнитив семантик майдонлар назарияси нуқтаи назаридан қиёсий бирликлар синонимияси, уларни тил тизимида ташкил этган концептосфераси, турли тиллардаги соҳаларни қиёсий тадқиқ қилишда хам кенг имконият қасб этувчи омил ҳисобланади, чунончи ҳар бир матн ўзининг аниклик мўлжалида албатта "қиёс" лисоний воситалари орқали тўлдирилишини биламиз. Мисол учун, расмий публицистик матнлар учун энг характерли ифодали ва таъсирчан воситалар, метафора ёки қиёслашнинг айрим турларини танлаш нафақат жанрга, балки у ёки бу матннинг мавзууга ҳам боғлиқ. Журналистик матнларнинг мавзууни ҳисобга олмасдан анъанавий жанрларга бўлиниши уларнинг семантик ва стилистик хусусиятларининг муҳим қисмини тасвирламайди. Ушбу турдаги матннинг ишонтириш тури (ёки таъсир этувчи функцияни билвосита амалга ошириш) кўп жиҳатдан унда учрайдиган метафора ва таққослаш турига боғлиқ. Биз журналистик матнларда таъсир этувчи функцияни амалга оширишнинг иккита асосий турини ажратамиз: ассоциатив-баҳо (сиёсий ва баҳоловчи метафора тўғри) ва ҳиссий-эстетик (бадиий метафора). Таъсир этувчи функцияни

<sup>147</sup> Демьянков В.З. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода//Вопросы языкоznания. - 1994. № 4. - С. 17 - 33.; Попова З.Д., Стернин И.А. Когнитивная лингвистика. - М., 2007. - С.7.

<sup>148</sup> Рудакова А.В. Когнитология и когнитивная лингвистика. - Воронеж, 2004. - С. 10.

бильвосита амалга ошириш деганда, тасвир ёрдамида таъсир қилиш тушунилади, яъни тўғридан-тўғри амалга оширишдан фарқли ўлароқ - мантикий далиллар ёрдамида ишонтириш ва шунга ўхшаш ҳолатларни лисоний акс эттириш<sup>149</sup>.

Когнитив-дискурсив парадигмага ўтишда қиёсий муносабатларни когнитив ташкил этиш, уларнинг рамкаси ва сценарий тузилиши, таққослашнинг номинатив салоҳияти, унинг оғзаки сўзлашнинг яширин усуслари, матндаги маъно ҳосил қилувчи хусусиятлари, матнлараро табиат ва миллий ўзига хосликни юзага чиқариши кўплаб ушбу мавзу хусусида иш олиб бораётган тадқиқотчилар эътиборини тортиб келган. Яъни бундан келиб чиқиган ҳолда шуни англаш мумкинки, “қиёс” концептининг лисоний аҳамияти ва мақоми тилшуносликнинг аксарият фанларида ўз ўрнини эгаллаган. Турли парадигмалар доирасида эришилган қиёслаш тадқиқотлари натижалари ўлароқ қиёслаш назариясини шакллантириш, уни семантик майдоннини кенгайтириш ёки умумлаштириш ва ривожлантиришга бўлган эҳтиёж К.С.Горбачевич таъкидлаганидек, ўз аҳамиятини йўқотмайди<sup>150</sup>.

Тилшуносликда “қиёс” концептининг матнлар ва нутқлараро қўлланиш мақсадига кўра икки тури фарқланали. Агар икки предмет ёки тушунча улар ўртасидаги фаркни кўрсатиш мақсадида қиёсланган бўлса, соф қиёсий конструкция шаклланади (масалан, ер тошдан қаттиқ), қиёслаш ўхшатиш мақсадини кўзда тутганда эса ўхшатиш конструкцияси шаклланади (масалан, ер тошдай қаттиқ)<sup>151</sup>. Демак, “қиёс” лингвокогнитив семантикаси нафақат бир жисм ёки предмет воқеъликни иккинчисига ўхшатиш учун, балки фарқли томонларини солиштириб кўрсатиш учун ҳам хизмат қиласди, бу яна бир жиҳатдан эса унинг лисоний мақоми кенг қамровли эканини акс эттиради. Лекин “қиёс” концептининг бу икки кўриниши лингвокогнитив мақоми нуқтаи назардан сезиларли фарқлари мавжуд. Чунки шуни айтиш мумкинки, ўхшатишлар нутқда лингвопрагматик ва лингвокультурологик, қолаверса бадиий-услубий ва лингвопоэтик имкониятларга эга бўлган қўп имкониятга эга конструкциялардир. Юқорида таъкидлаганимиздек, бирорта бадиий асар йўқки, унда ўхшатиш воситалари иштирок этмаган. Чунки нутқ ва матнда ўхшатиш ёки “қиёс” концептуал семантикаси вазифасида келувчи вербал

<sup>150</sup> Денисова Г.Л. Когнитивный механизм сравнения в немецком языке. Автореф. диссертации на соискание учёной степени доктора филологических наук. – Тольятти, 2013.

<sup>151</sup> кўрсатилган манба

воситаларни ўрнини уларнинг ўзларисиз қоплаш анча мушкул баъзи ўринларда имконсиз. Балки шу жихатдан “қиёс” концептуал семантикаси вазифасида келувчи вербал воситаларни тилшуносликда барча давларда нутқнинг жозибаси ва таъсир кучини таъминловчи асосий манба сифатида талқин этилиши унга бўлган нутқий талабни доимий ва барқарор бўлишида деб тушуниш мумкин. Бунга мисол қилиб “Панини грамматикасидан бошлаб (эрамиздан олдинги IV аср) қадимги хинд поэтик-фамматик трактатларида ўхшатишлар поэтик фигура сифатида ўрганилган ва ўхшатишнинг мунтазам тўрт унсурдан таркиб топиши таъкидланганини, яъни: 1) ўхшатиладиган нарса ёки субъект, 2) унга ўхшаш бўлган нарса ёки объект, 3) ўхшатиш белгиси ёки ўхшатиш асоси ва 4) ўхшатишнинг формал кўрсаткичи” деган тушунчаларни олишимиз мумкин<sup>152</sup>.

Асарнинг бадиий-эстетик қиммати, лингвопоэтик салмоғи нуқтаи назаридан эркин ўхшатишлар ёзувчининг маҳоратини намоён этувчи воситалардан бири сифатида бадиий нутқда алоҳида ўрин тутади<sup>153</sup>. Яъни сўзловчи-ёзувчи ёки адиб матн мавзуси ва руҳидан келиб чиқиб “қиёс” концептининг турли вербал воситаларидан фойдаланган ҳолатда мазмун яратади. Бунинг натижаси ўлароқ, у (ёзувчи) эшитувчи-ўқувчига ўзи кутмаган ва тасаввур қилмаган ҳолатда таъсир ўтказишга эришади. Ўзбек адабиёти ёзувчи адиблар орасида “ўхшатишлар устаси” номини олган

Пиримқул Қодиров ўзининг деярли барча асарларида, хусусан “Юлдузли тунлар” романида ҳам “қиёс” концептуал семантикаси вербализаторларини ўта моҳирона танлов билан ўринли ишлатган ва бу орқали у (адиб) асарнинг бошидан охиригача ўқувчини асардан узилолмайдиган ва зерикмайдиган ҳолатда бўлишини, бундан ташқари асар қаҳрамонлари ва воқеъаларини ўқувчининг қўз олдига келтира олиши ва унга хамоҳанг бўлиб эргашишига эришган. Пиримқул Қодиров “Юлдузли тунлар” романида жами 14 турдаги “қиёс” концептуал семантикасини ифодаловчи вербализаторлардан 420 дан ортиқ нутқий вазиятларда кенг фойдаланганлигини мисол тариқасида кўриб чиқамиз.

... билан teng, баробар.

Бу дўстни сотган билан teng.

<sup>152</sup> Невелова С. Вопросы поэтики древнеиндийского эпоса. Эпитет и сравнение. – М., «Наука», 1979, 38-6.

<sup>153</sup> Кўрсатилган манба

- намо
- она (шоирона, дўстона)
- ча (эркакча)
- ларча (қадрдонларча)
- кўринар
- гўё,
- худди,
- бамисоли,
- каби,
- ўхшаб,
- дек,
- дай,
- симон,
- мисли
- сингари
- га ўхшарди
- иб туюлмоқ

Масалан: У аччиқ мағлубиятлар жараёнида орттирган барча ҳарбий тажрибаларини бугун гўё ягона бир муштга тугиб, майдонга усталик билан ташладиу, ташаббусни дархол қўлга олди (П.Қодиров “Юлдузли тунлар” 255-бет).

He threw all the military experience accumulated in the process of bitter defeats into the field like a fist and immediately took the initiative.

-дай Ҳозир Бобурнинг тасаввурида баланд чўққиларнинг асрий қорлари кафандай бехаракат ва совуқ, ўлимдай абадий бўлиб гавдаланди(П.Қодиров “Юлдузли тунлар” 164- бет).

Now in Babur's imagination, the centuries-old snows of the high peaks were cold and cold, shrouded forever.

-дек Бобур қашқирлар қуршовига тушиб қолгандек безовталанар эди.

Babur was disturbed as if he was surrounded by bandits. (160 -бет)

-намо. Лекин чуқур қўзлари қирқ-эллик ёшга кирган ва қўп ғам чеккан одамниридай сўлғин, кексанамо (Пиримқул Қодиров “Юлдузли тунлар” 155-бет).

But his deep eyes are pale like those of a person who has reached forty or fifty years of age, who has suffered a lot, he is old.

- симон. Ўшнинг жанубидаги кенг текисликлар, тўлқинсимон кир ва адиirlар турли-туман дала гуллари билан безанган (Пиримқул Қодиров “Юлдузли тунлар” 52- бет). Wide plains, undulating hills and hills in the south of Osh are decorated with various flower gardens.

-ўхшамоқ Аммо бошқа тождорлар тарихий китобларда оддий одамларга ўхшаб кўринишдан қанчалик чўчиидилар! (Пиримқул Қодиров “Юлдузли тунлар” 293- бет)

But how afraid other crown princes are to appear in the history books as ordinary people!

-ўхшамоқ Андижон мирабларининг бошлиғи бўлган бу одам гардани жуда гўштдор бўлганлиги учун хўкизга ўхшаб бўйини бир оз олдинга эгиб юрар, шунинг учун орқаворатдан уни «гов», деб аташар эди (Пиримқул Қодиров “Юлдузли тунлар” 28- бет).

The head of the Andijan water-supervisor, this man carried his neck a bit forward like an ox because his body was very fleshy, so he was called "cow".

- она. Қалби эзгу ва маъюс туйғуларга тўлиб турган Бобур шоирона ўхшатишлар қилиб ўтиргиси келмай жўн жавоб берди (Пиримқул Қодиров “Юлдузли тунлар” 168- бет).

Babur, whose heart was filled with good and sad feelings, did not want to sit down and make poetic similes, and answered eagerly.

-билин баробар. Аммо шўро даврида бу ҳақиқатларни ёзиш – арининг уясига чўп тикиш билан баробар эди (Пиримқул Қодиров “Юлдузли тунлар” 1- бет).

But writing these truths during the Shura period was like putting a stick in a bee's nest.

-ча Бобур кўпдан бери ҳис қилмаган болаларча бир поклик ва маъсумлик -борлиғига гўё нур бўлиб таралди (Пиримқул Қодиров “Юлдузли тунлар” 241- бет).

A childlike purity and innocence, which Babur had not felt for a long time, seemed to be light into his heart.

-гўё. Бундан бир ярим йил аввал Ҳонзода бегим ёлғиз ўғилчаси билан Балхдан Кундузга келаётганда унинг юрагини титратган номаълум хавф-хатарлар гўё мана шу оғир чекиниш пайтини кутиб ётган экан (Пиримқул Қодиров “Юлдузли тунлар” 226- бет).

A year and a half ago, when Khanzoda Begim came with her only son from Balkh to Kunduz, the unknown dangers that shook her heart seemed to be waiting for this difficult retreat.

-қўринарди. Қилич ялангочлаб келаётган ҳар бир душман унга юзма-юз келган ўлим тимсоли бўлиб қўринарди (Пиримқул Қодиров "Юлдузли тунлар" 187- бет). Every enemy coming with sword drawn seemed to be the embodiment of death that faced him.

-қўринарди. Унинг яланг оёқ юришга ўрганмоқчи бўлгани эса Тоҳирга шоирона бир шўхлик бўлиб қўринарди (Пиримқул Қодиров "Юлдузли тунлар" 150- бет). The fact that he wanted to learn to walk barefoot seemed to Tahir to be a poetic joke.

-худди. Бизнинг Қувада ҳам Ҳулкар худди мана шунақа бўлиб чиқар эди, – деди Тоҳир (Пиримқул Қодиров "Юлдузли тунлар" 304- бет). "Hulkar (moon) used to appear like this in our Kuva," said Tahir.

- каби. Бироқ Андижон қамалда қолгандан кейин мавлононинг орзуумидларини мана шу тун каби қоронғи зулмат ўз қаърига тортиб кетди (Пиримқул Қодиров "Юлдузли тунлар" 75- бет). However, after the siege of Andijan, the mavlana's dreams and hopes were swallowed up by darkness like this night.

- симон. Йиллар давомида халтачанинг оқ матоси сарғайиб, хиралашган, аммо қизил ипак билан тикилган «Нажоткоримизга» деган каштасимон ёзув аслидай турган эди (Пиримқул Қодиров "Юлдузли тунлар" 148- бет).

Over the years, the bag's white fabric had yellowed and faded, but the red silk embroidered "To Our Saviour" remained intact.

- сингари. Бундан тўққиз йилча бурун Бобур Ҳиротга иккинчи марта борганда Хондамир унинг ҳам майхўрликка ружу қила бошлаганини кўрган, «Наҳотки, бу нодир сиймо ҳам бошқа қўп темурийлар сингари истеъдодини ичкилиқка бой берса!» деб ташвишланган эди (Пиримқул Қодиров "Юлдузли тунлар" 285- бет).

About nine years ago, when Babur came to Herat for the second time, Khondamir saw that he had become a drunkard, and was worried that this rare person, like other Timurids, must have lost his talent for drinking.

-тую-лмоқ: Шу дақиқагача унга бутун хаёти қоп-коронғи бир тун бўлиб туюлган бўлса, энди у бу тунга гўё Ҳумоюннинг қўзи билан қаради-ю, коронғи осмоннинг у ер-бу ерида юлдузлар милтиллаётганини кўрди (Пиримқул Қодиров "Юлдузли тунлар" 231- бет).

Until this moment, his whole life seemed to him to be a dark night, but now he looked at this night as if through the eyes of Humayun and saw the stars twinkling here and there in the dark sky.

Күриниб турибиди, ушбу асарда “қиёс” концептининг лингвокогнитив мақоми икки тилда ҳам асарнинг бошдан охиригача ўзининг аҳамиятини йўқотмаган, аксинча у орқали ёзувчи ҳар қандай турдаги матнга ва ундаги воқеъликка адекват ҳолатида ёндаша олиш имконини “қиёс” концептининг вербализаторларига мурожаат қилиш асносида амалга оширган. Зеро, тилшунос олим М. Конюшкович таъкидлаганидек, “қиёс бу англашнинг фалсафий тоифаси сифатида ҳам кенг талқин этилади, чунки “тил қиёслашнатижаларидан тўқилган” ва “объектга ном бериш, уни аниқлаш ва таксономик хусусиятларнинг тасвиrlашнинг ўзи унинг билан ўхшашлигини ўрнатишдиr”. Қиёслаш орқали дунё ҳақидаги билимлар ва ғоялар иерархизация (туркумлаш) жараёнини ва онгимизда объектив воқелик объектларининг тизимли алоқалари шакллантирилишини амалга оширади”<sup>154</sup>.

Хулоса қилиш мумкинки, романни бадиий қийматини бойитган асосий унсур бу “қиёс” концептининг воқеълантирувчи тил воситаларидир.

Замонавий лингвистик тадқиқотларда келтирилган турли тадқиқотлар ва назарий қарашлардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, “қиёс” концепти матнда ижро этаётган функциясига ва хусусиятларига кўра у эпистемологик, концептуал (мантикий) ва лингвистик мақомга эга. Ҳар уч жиҳатга тизимли таянишда инсон атрофидаги дунёни билиш воситаси сифатида қаралади. Шуниси эътиборга моликки, юқорида келтирилган уч категориялар синтактик категория сифатида лингвистик мақоми билан ажralиб туради ва “қиёс” концепти матнлараро уларнинг тузилишида энг асосий компонетлар сифатида талқин этилади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Денисова Г.Л. Когнитивный механизм сравнения в немецком языке. Автореф. диссертации на соискание учёной степени доктора филологических наук. – Тольятти, 2013.

<sup>154</sup> Конюшкович М.И. Категория сравнения и её место в системе языка // Вопросы функциональной грамматики: сб. науч. тр. Вып. 4 / под ред. М. И. Конюшкович. Гродно: ГрГУ, 2001. С. 82-94.

2. Демьянков В.З. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода // Вопросы языкоznания. - 1994. № 4. - С. 17 - 33.
3. Иванова М.С. Структурно-семантические особенности сравнительных конструкций во французском и русском языках в их сопоставлении (на материале художественных переводов): автореф. дис. . канд. филол. наук. -М., 2009. 26 с.
4. Конюшкевич М.И. Категория сравнения и её место в системе языка // Вопросы функциональной грамматики: сб. науч. тр. Вып. 4 / под ред. М. И. Конюшкевич. Гродно: ГрГУ, 2001. С. 82-94.
5. Левит И.В. Сложные сравнительные синтаксические конструкции как элемент функционально-семантического поля сравнения: дис. ... канд. филол. наук. СПб., 2005. 166 с.
6. Маслова В..Лингвокультурология. - М., «Academia», 2001, З-б.
7. Махмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли лугати. – Тошкент: “Маънавият”, 2013
8. Махмудов Н. Семантико-синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка: Дисс.... док-ра филол. наук. - Тошкент, 1984, 259-6.
9. Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Тошкент:“Фан” нашриёти, 1976.
10. Невелова С. Вопросы поэтики древнеиндийского эпоса. Эпитет и сравнение. – М.,«Наука», 1979, 38-6.
11. Огольцов В.М. Устойчивые сравнения в системе русской фразеологии. Изд. 2-е, испр. и доп. - М.: ЦЯ88: Либроком, 2009.
12. Попова З.Д., Стернин И.А. Когнитивная лингвистика. - М., 2007. - С.7.
13. Рудакова А.В. Когнитология и когнитивная лингвистика. - Воронеж, 2004. - С. 10.
14. Румянцева М.В. Типологические особенности компаративных конструкций (на материале русского и немецкого языков): автореф. дис. . канд. филол. наук. - Челябинск, 2007. - 22 с.
15. Хайруллаев М., Хафердиев М. Логика. Предмети ва киска тарихи. - Тошкент, «Ўқитувчи», 1984. - 247-6.